

ТАРБИЯ ОИЛАДАН БОШЛАНАДИ

Жиззах шаҳар 29-ДМТМ психологи Жўраева Махфират

Маънавий баркамол инсонни тарбиялашда қадим-қадимдан муқаддас даргоҳ ҳисобланган оиланинг тутган ўрни, таъсири бениҳоя каттадир. Инсон турмушини оиласиз тасаввур этиб бўлмайди, чунки у умри мобайнида оила таъсирини сезиб туради, дастлаб ота-онасининг оиласида, сўнг ўзи қурган оиласида ҳаёт кечиради. Ҳар икки ҳолда ҳам оила инсоннинг шахс сифатида қарор топишига муҳим тарбиявий таъсир курсатади. Инсоннинг шахс сифатида ҳаётини хусусиятлари, сўзсиз оилада шаклланади. Оилада у она тилида сўзлашишни ўрганади. Миллати, халқи урф-одатларини, анъаналарини, умуминсоний қадриятларни ўзлаштиради, дунёқараши, мафкураси шаклланади. Шу сабабли оила жамиятнинг ижтимоий ва маънавий-ахлоқий таянчи ҳисобланади.

Аслида, оила- жамиятнинг бир таркибий бўлаги. Жамиятда рўй бераётган ҳамма жараёнлар оилага, кишиларнинг турмуш тарзига бевосита таъсир қилади. “Оила ҳақида гапирар эканмиз, авваламбор, оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканини тан олишимиз даркор” деб таъкидлаган эдилар Биринчи Президентимиз И.Каримов.

Ҳар бир инсон оиланинг ўзидаёқ ёшлигидан бошлаб маънавиятнинг манбаларидан озиқланиб боради. Авваламбор, оилада ота-онанинг ўрни, бошқа оила аъзолари билан муносабати бола учун мактабдир. Ота-онага ҳурмат, уларнинг олдида бир умр қарздорлик ҳиссиёти шаклланиб бориши шу асосда оиладаги бошқа аъзоларга ҳам бўлган муносабат инсоннинг маънавий оламини шаклланишида асосий омил ҳисобланади. Оила аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатлар, у қайси тизим бўлишидан қатъий назар, жамият аъзолари

Ўртасидаги муносабат қонунлар, қоидалар, тартиб- интизом билан белгиланиб, бошқарилиб турилади ва оилада ҳам ўз аксини топади. Оилавий муносабатларни бошқаришда асосан, ота- онанинг, ёши катта кишиларнинг ўзига хос ўрни бўлиб, бу жараён тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Маълумки мусулмон оламида болаларни тарбиялаб, жамиятда ўрнини топишда оиланинг ўрнига азалдан алоҳида эътибор бериб келинган. Ўтмишда оилада ёш авлодни ҳаётга тайёрлашда қўлланган усул ва воситалар, тадбир шакллари, оиладаги ўзига хос урф – одат ва анъаналар, оила бошлиқлари саналмиш ота ва оналарнинг тарбия ҳақидаги ғоялари, ҳаётий тажрибалари миллий халқ тарбиясида мужассамланган. Унда ёш авлодни оилавий ҳаётга тайёрлаш жараёни мураккаб, серқирра ва узлуксиз бўлиб, уларнинг келгуси оилавий ҳаётга тўлақонли тайёр бўлиши учун энг муҳим талабларни, инсоний хисларни шакллантириши муҳим ва зарур ҳисобланган. Оила аъзолари ўртасида ўзаро муносабат шариат қонунлари билан белгилаб қўйилган. Бу қонунлар ислом динидан илгариги ижобий урф- одатларни ҳам ўз ичига олган бўлиб, оила манфаатига мос келади. У ёки бу ҳаракат шарият қонуни талабига мос келмаса, ундай ҳаракатдан воз кечилган. Шарият қонунлари эса, жамият талабларига асосан мос келган. Демак, оила шарият қонунига бўйсуниб, жамиятнинг талабини ҳам бажариб бориши зарур бўлган. Инсон ҳам оилада жамият талабига мос ҳолда тарбияланиб боради. Оилада асрлардан бери авлоддан- авлодга ўтиб келаётган анъаналар, урф- одатлар давом эттирилади, ҳар бир оила аъзосига сингдирилади. Масалан, оилада ўзаро ҳурмат ҳамманинг қон- қонига сингиб кетган. Оилада айтайлик, ёши улуғ кишиларнинг фикри доимо ҳал қилувчи рол ўйнайди. Уларнинг ҳурмати ҳам жойига қўйилмоғи шарт. Ёши катта кишиларни уйнинг тўрига ўтказиш, уларга дуои- фотиҳа қилдириш, биринчи бўлиб дастурхонга қўл узатиш ёки ёши катта киши гапираётганда қулоқ солиб туриш каби анъаналар мавжудки, буларни ҳар бир оила аъзоси бажариши шарт. Ота-онага бўлган ҳурмат, оиланинг бошқа аъзолари ўртасидаги ўзаро ҳурмат каби одатлар ўзбек оиласининг гултожидир. Чунки, ўзбек оиласида оила аъзолари фаолияти учун ўзаро

масъуллик ҳиссиёти кучли шаклланган бўлиб бу бошқа халқлардан, айниқса, Европа, Америка қитъаларидаги давлатларда яшаётган халқлар оиласидан кескин фарқ қилишини кўрсатиш лозим. Оилада ака-ука бир-бирини ёки ота-она ўз фарзандларининг кундалик юмушларидан, ташвишларидан беҳабар бўлиши мумкин эмас. Оиладаги авлоддан-авлодга етказиб бериладиган анъаналар, урф-одатлар ва шуларга мос ҳолда фарзандларни тарбиялаш ота-онанинг зиммасидаги вазифа бўлса ҳам, кўпроқ амалда оналар шуғулланадилар. Чунки оиладаги ҳар бир жараён - фарзандларнинг феъл-атвори, кундалик юриш-туриши, улардаги ҳар қандай хатти-ҳаракат энг аввало онага тезроқ маълум бўлади. Унинг юраги доимо беҳаловат, куйунчак, шу боис фарзандни энг биринчи бўлиб тушунадиган, унинг кечинмаларини, руҳиятини англайдиган, қийинчиликларини ва хурсандчиликларини бахам кўрадиган, сирдош зот бу онадир.

“Миллатнинг келажаги оналар қўлида” деган сўзлар бежиз айтилмаган. Маънавий баркамол, комил инсон шаклланиши оиладан, онанинг эътиборидан бошланади ва умрнинг охиригача давом этади. Она ўз фарзандининг иродасини бақувват, келажакка ишонч руҳида тарбиялашга ҳаракат қилади. Демак ҳар бир оилада онанинг ўрни, салоҳияти алоҳида эътиборга молик ҳаётий заруриятга айланган.

Оиладаги оналарнинг ўрни, обрўси мавқеи ҳам фарзандлар тарбиясида муҳим омилга эгадир. Гап оиладаги эр ва хотин ўртасидаги муносабат ҳақида кетаётир. Ҳаётда шундай оилалар учрайдики, фақат отанинг гапи гап, сўзи-сўз, онанинг гапи кўпроқ инобатга олинмайди. Бундай оилаларда эркак киши ўз оила аъзоларига, аёлига нисбатан назар-писанд қилмасдан муомала қилиши, “сенинг ишинг бўлмасин”, ”сен бу гапларга аралашма” каби жумлаларнинг кўпроқ ишлатилиши натижасида онада рухий тушкунлик, фарзандининг билиб-билмай қилаётган ишларига бефарқлик ҳиссиётлари юзага келади. Агар ота бу сўзларни фарзандлари олдида айтса, онани назар-писанд қилмаса, бу ҳолат оилани фожеага олиб келиши табиийдир. Лекин,

таъкидлаш керакки, пировардида фарзандларнинг нотўғри йўлга кириб қолганида яна онани айблашга ўтишадилар.

Болаларни мактабгача таълимда, мактабда ўз фарзандини хол-аҳволидан, ўқишидан тез-тез хабар оладиган киши ҳам онадир. Қатор йиллардан бери мактабларда ота-оналар йиғилишларида аксарият оналар қатнашишлари одат тусига кирган эди. Мактабларда ҳар ойда бир марта оталар куни белгилаб олинган бўлиб, Республикамиз бўйича бир кунда ҳамма мактабларга оталар таклиф қилинади ва оилада фарзандлар тарбиясида оталар ибратига бағишланган масалаларни муҳокама қилишадилар. Лекин бу билан оналарнинг ўрни ва мавқеи пасайган эмас. Балки оталар бу борада оналарга яқиндан ёрдам берадиган, ибрат кўрсатадиган кучга айланадилар. Шуни таъкидлаш жоизки, коллеж ва институтларда ўқиётган талабаларнинг кўпчилиги, табиий ҳолда, ота-онасидан узоқда, мустақил тарзда яшайдилар ва уларнинг эътиборидан четда бўладилар. Баъзан, ота-оналарда “болам энди қатта бўлиб қолди, ўз йўлини ўзи топиб кета олади”, деган тушунча ҳам юзага келади. Лекин айнан шу даврда болаларда психологик жихатдан ҳам қизиқувчанлик, интилувчанлик, бошқа бировларга тақлид қилиш кучаяди. Шу боис ҳам, бундай таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларни самарадорлигини янада оширишга хусусан, талабаларда экстремистик ва ақидапарастлик ғояларига қарши тура оладиган дунёқарашни шакллантиришга алоҳида эътибор беришлари лозим. Бу борада қилинаётган ишлар кўпроқ талабалар турар жойларида олиб борилиши ҳам заруратга айланган. Бу ишлар учун ҳар биримиз гуруҳ мураббийлари, масъул эканлигимизни доимо ҳис этишимиз керак.

Оиладаги муҳит, вазият жамиятдаги муҳит, вазиятга вобаста бўлиши керак. Акс ҳолда, бундай оила аъзоларини жамият қабул қила олмайди. Уларга нисбатан жамиятда носоғлом вазият юзага келади. Собиқ Совет даврида оиланинг гултожига анчагина путур етказилган эди. Замонасига мос ҳолда, айниқса, шаҳарларда европалашган оилалар аксарият кўпчиликни ташкил қиларди. Европа маданиятининг яхши томонлари билан биргаликда, оила

аъзолари ўртасидаги муносабатда европача одатнинг ўзбек оиласига мос келмайдиган томонлари ҳам кириб келди. Европада аксарият оила аъзолари ўзларига яқин кишиларга, жумладан, ота- онасига ҳам “сен” деб мурожаат қилишади. Уларда фарзандларнинг оиладаги ўрни, ўзини тутиши, кийиниши ҳам ҳақиқий ўзбек оиласи учун ёт нарса. Минг афсуски, бизнинг ўзбек оилаларга ҳам ўша ёт нарсалар кириб келиб қолган эди. Биз европача ҳаёт тарзини маданиятнинг чўққиси деб билар эдик. Ўша пайтларда қишлоқдан шаҳарга иш билан келган киши бутунлай бошқа дунёга тушгандай бўлар эди.

Жамиятимиздаги барча ўзгариш сўзсиз оилавий муносабатларга ўзининг таъсирини ўтказмоқда. Ҳозирги даврда мулкка бўлган муносабатда боқимандалик кайфиятини юзага келтирадиган ижтимоий мулкдан воз кечилиб, шахсий мулк эгасининг ҳиссиёти, манфаатдорлик қайта шаклланимоқда. Шу билан биргаликда ота-боболаримиз эъзозлаб келган виждон, иймон, ҳалоллик, эътиқод, диёнат каби тушунчалар ўз ўрнини эгалламоқда, бу-истиклол шарофати билан инсон манфаатлари устувор бўлган давлатимизнинг, жамиятимизнинг талабидир. Демак, ҳар бир оила олдида жуда катта вазифа юкланган. У ҳам бўлса дунё дурдоналари билан биргаликда ўзликни англаш, ҳақиқий ўзбекона оиланинг анъаналарини ҳар бир ёш фуқаро онгига сингдириб, амалий фаолият даражасига етказишдир.

Маълумки, ҳар бир оиланинг ҳуқуқлари жамият томонидан қонун йўли билан ҳимоя қилинади. Лекин оиланинг ҳам жамият олдидаги бурчи бор. қайси бир оила аъзоси ўз бурчини бажармай қонунни ёки тартибни бузса, унга тегишли чора кўрилади. Маълумки, қонунни бузиш ҳолати ҳаётда тўсатдан рўй бермайди. Бунинг учун маълум сабаблар йиғиндиси, тўпланиб қолган муаммолар бўлади. Бу сабабларни ўз вақтида ўрганиб, ижобий ҳал қилишда ҳар бир оиланинг жамият талабига мос шаклланишида маҳалла кўмиталарининг роли каттадир. “Маҳалланг ота-онанг”, деган мақолда жуда катта маъно бор.

Маҳаллага эътибор фақат бизнинг замонамизда, истиқлолга эришганимиздан кейингина, давлат аҳамиятига молик ишга айланди.

Мустақилликка эришганимизнинг дастлабки давридаёқ, бу ишга давлатимиз томонидан алоҳида эътибор берилмоқда. Асосий қомусимизда маҳалланинг жамиятимиздаги ўрни, мақоми ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлаб қўйилди. Республика “Маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш Вазирлиги” ҳузурида “Маҳалла ва оила” илмий –тадқиқот институти ташкил этилди. Унинг тизимлари вилоятлар, туманларда ташкил этилиб, шаҳарлар билан биргаликда қишлоқларда фаолият кўрсатмоқда. Улар олиб бораётган ташкилий, тарбиявий ишлар халқимиз манфаатлари билан уйғунлашиб кетди. Ҳозирги даврда маҳалла марказлари ташкил этилган. Бир сўз билан айтганда, маҳалла жамият билан оила ўртасидаги мутаносибликни, боғлиқликни мустаҳкамлашда ҳал қилувчи рол ўйнай бошлади. Маҳалла обрўсининг ошиши, улар олиб бораётган оммавий-тарбиявий ишлар маънавиятимизни шакллантирувчи жамоа манбаи сифатида ҳаракатга келганлигидан далолат бериб турибди ва бу ҳаракатлар ўзининг ижобий натижасини бера бошлади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, маҳалла қўмитасининг фаоллиги бевосита ўша қўмита аъзоларининг шахсиятига жон қуярлигига боғлиқдир.

Демак, ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялашга янада кенгроқ эътибор берилмоқда, ҳар учала тарбия масканлари бу муҳим вазифани бажаришга масъулдирлар. Хулоса қилиб айтганда оиланинг бола тарбиясидаги ўрни, ёшларни маҳаллада ва таълим муассаларида комил ва етук инсон бўлиб ётишишида каттадир.